

Асли Ғайри дин ўлкаларнинг байроғларидан кийимлар кийиш

08:15 / 08.02.2018 4539

Савол:

Ҳозирги кунда АҚШ, Британия давлатларини байроғининг расми тушурилган футболкалар, кўйлақлар кийиш мода бўлди. Айниқса Британия Байроғи кенг тарқалмоқда. Ман ачинадиган, ўйлаб қийналадиган жойим шуки, биз тақлидни кучайтириб юборвоммиз. Мисол учун Британия байроғини олилик. Биринчидан унда каттагина қилиб қизил хочни расмий чизиб қўйилган. Иккинчидан Биз ватани, давлати йўқ қочоқмизми? Бошқа давлатти байроғини кўтариб юрадиган. Аллоҳга шукрки ўз давлатимиз ва байроғимиз бор. Нега ўзимизники қолиб, ўзгаларникига тақлид қилишимиз керак? Савол: Биз нима қилайлик, юқоридаги ҳолатга қандай қарши чиқайлик? Илтимос маслаҳат беринг.

Жавоб:

[Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф](#)

Гапларингиз жуда ҳам тўғри. Бошқаларга тақлид қилиш, бошқаларнинг белгиларини ўзига эп кўриш бизга мутлақо тўғри келмайди.